



"Навоий-ўзбек тилининг асосчиси"

Андижон вилояти Балиқчи тумани 44-умумий ўрта таълим мактаби
она тили ва адабиёт ўқитувчisi **Усмонова Феруза**

Алишер Навоий жаҳон адабиётида салмоқли ўрин эгаллайди. Унинг жуда кўп илмий, тарихий асарларидан ташқари, ғазал ва достонларининг ўзи бир неча юз минг мисрани ташкил қиласди. Навоий шеърларини ўз ичига олган "Чор девон" 47 минг мисрадан иборатдир. Бадиий ижоднинг гўзал намуналарини тўплаган "Хамса" асари 60 минг мисрага яқин шеърни ўз ичига олади. Навоийнинг 6 мингта яқин фордча ғазаллари ҳам бор.

Шеър ва тафаккурнинг буюк соҳибқирони бўлган Алишер Навоий ўзида туғилган ҳар бир фикрни шеър билан ифода қиласди:

Кўнглимда не маъний бўлса эрди пайдо, Тил
айлар эди назм либосида адо.

Алишер Навоий ўзбек тили учун кураш байроғини юқори кўтарган шоирдир. Навоийгача ўзбек ва умуман турк ҳалқлари адабиёти эрон адабиётининг таъсири остида эди. Ҳамма шоирлар деярли форс тилида ёзар эдилар. Ўзбек тилида ёзиш айиб саналар ва ўзбек тилида ёзилган асарларни сарой ахиллари тан олмас эдилар. Ўз ҳалқининг тили учун кураш вазифасини тарих бизнинг буюк Алишер Навоийга юкалади. Навоий шундай бир шароитда "Муҳакаматул луғатайн" номли машхур асарини ёзиган, ўша даврда "Турк тили" деб аталган қадмги ўзбек тилининг форс тилидан ҳам бой ва ранг-баранг эканини исбот қиласди ва ўзбек тилида бир қатор асарлар яратди. Бу асарларида ўзбек тилининг бутун бойлиги, жозибаси, гўзаллиги ўз ифодасини топди.